O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 23 ОКТЯБР сешанба
№ 43 (247)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида сўзлаган маърузасида мустақил давлатимиз учун энг катта хавф диний ақидапарастлик ва террорчилик эканини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Йўлбошчимиз маърузасида диний ақидапарастлик, халқаро терроризмнинг ёвуз мақсад-муддаоси, унинг инсоният тарихидаги мудҳиш изи, бугунги кунда бу ёвуз ҳаракатга қарши қатъий курашиш усул-воситалари концептуал муштараклиkда таҳлил этиб берилди. Таъкидлаш жоизки; Ўзбекистоннинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсатида терроризмга қарши кураш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки диний ақидапарастлик ва халқаро террорчилик халқимизнинг миллий тикланиш жараёнлари ва тараққиётига катта хавф солаяпти.

Шу ўринда "террор" атамасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу француз тилидан олинган бўлиб, одамларни оммавий равишда қирғин қилиш, мухолифларни ўлдириш каби ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали жамиятда қўрқув ва парокандаликни юзага келтириш деган маънони англатади.

Терроризм сиёсий атама сифатида қурол, наркобизнес савдо-сотиғи, амалдаги конституцион тузумларни ағдариш ва бошқа тубан мақсадларга эришиш учун турли жиноий йўллардан фойдаланадиган жиноий гуруҳларнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Терроризм табиатига эзгулик мутлақо ёт, у ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқий фазилатларга қарши содир этилган энг оғир ва ваҳшиёна жиноят ҳисобланади. Шу боис унинг тарихи қон билан ёзилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, терроризм дин, миллат, элат ва чегара билмайди. Бу қабиҳ ишга энг ваҳший, инсоний қиёфасини батамом йўқотган ашаддий жиноятчилар қўл уради.

Ҳозирги кунда терроризм ўзининг янгидан-янги шаклларини намоён этмоқда. Террорчилар энг замонавий қирғин қуролларини қўлга киритган. Шу боис ҳам, бу ёвуз кучга қарши курашиш осонлик билан амалга ошмайди. Шунинг учун мамлакатимизда терроризмга нисбатан қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, унга қарши курашиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш мақсадида 2000 йил 15 декабрда **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

# ТЕРРОРИЗМ — XXI АСР ВАБОСИ

## унга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир

Шу ўринда айтиш жоизки, халқаро террорчилар томонидан дунёнинг турли мамлакатларида содир этилаётган қабиҳ воқеалар, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилган 16 феврал қонли воқеаси башариятни огоҳликка ундаш учун чалинган жиддий бонг эди.

Ҳаётда ўзининг қатъий позициясига, мустақил фикрига эга бўлмаган, воқеликка ақл-идрок билан эмас, балки ҳиссиёт билан ёндашадиган одамлар ҳавойи даъватларга тез учади. Террорчилик ҳаракати ташкилотчилари аҳолининг айнан шундай қатлами ичига кириб олиш пайида бўлади. Уларнинг заиф жиҳатларидан устомонлик билан фойдаланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов феврал воқеаларига дахлдор бўлган террорчилик гуруҳи таъсирига учган, уларнинг ёлғон даъватларига кўр-кўрона эргашганларни юрт ва миллат отаси сифатида гуноҳларидан кечиш ҳақида баёнот берганидан сўнг рўй берган воқеалар диққатга сазовор. Дарҳақиқат, бир неча юзлаб ёшлар танлаган йўллари нотўғри эканлигини англаб етдилар. Кимларнингдир тазйиқи ва таъсири билан ғайриисломий ва ғайриинсоний йўлга кириб қолганликларидан пушаймон бўлиб, узр сўрамоқдалар. Ана шу ҳолатнинг ўзи диний ақидапарастлик нима эканлигини яққол кўрсатади.

Халқаро террорчилар Тоҳир Йўлдош, Жумабой Ҳожиев ва Салой Мадаминовлар дин ниқоби остида амалдаги конституциявий тузумни ағдариш мақсадида Ўзбекистон халқига қарши ўзларининг йўлларига ғов бўлиб турган барча кишиларни оммавий қирғин қилиш йўли билан ҳокимиятга эришиш учун "жиҳод" эълон қилдилар.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террористик актлар қатнашчилари устидан бўлиб ўтган суд жараёни улар томонидан содир этилган ёвузликларнинг ваҳшиёна қиёфасини очиб ташлади. Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари Фарғона водийсида ўнлаб қотиллик ва босқинчилик жиноятларини содир этиб, фуқароларнинг мол-мулкларини талон-тарож қилишган.

Масалан, 1997 йил 23 март кунига ўтар кечаси Андижон шаҳрида Тоҳир Йўлдошнинг ҳамтовоқлари Мадалиев ва бошқалар фуқаро Ризаевнинг хонадонига қуролли босқинчилик уюштириб, оила аъзоларидан 5 нафарини ваҳшиёна ўлдирганлар.

Шунингдек, улар 1997 йилнинг декабрида эр-хотин Абдуллаевларнинг ҳаж зиёратига бориб келишганини била туриб, қуролли босқинчилик уюштириб, уларни ёвузларча ўлдиришган.

Террористик гуруҳ етакчиларидан бири, ўлим жазосига маҳкум этилган Б. Абдуллаев сурбетларча "жиҳод йўлида қурбонларнинг сони ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас," — деб, таъкидлаган. 16 февралда Тошкент шаҳрида портлашлар содир этилгани бу гапларнинг шунчаки қўрқитиш эмаслигини тасдиқлади. Бунинг устига бундай қабиҳлик пойтахтнинг аҳоли гавжум жойларида содир этилгани ҳам шундан далолат беради. Катта миқдордаги портловчи моддалар жойлаштирилган автомобиль Вазирлар Маҳкамаси биноси остида портлатилди ва бахтли тасодифгина бинода бўлган 766 нафар инсонни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди.

Албатта, бундай ёвузликка қўл урган террористларнинг кўпчилиги қилмишига яраша жазоланди ва халқ нафратига учради.

Давлатимизнинг конституцион тузумига қарши оғир жиноятлар содир этган, пул учун ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайдиган манфур қотилларнинг ким эканлигини халқимиз бугун яхши англайди.

Ана шу хавфни теран ҳис қилган, унга қарши зудлик билан курашиш лозимлигини англаб етган Юртбошимиз бундан бир неча йил муқаддам ЭКО ва БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишларининг нуфузли минбарларидан туриб, бутун жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини бу муаммога қаратиб, кеч бўлмасдан тобора илдиз отиб бораётган бу хавф - хатарнинг олдини олиш, уни таг-томири билан йўқотиш мақсадида халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш марказини тузишга чорлаган эди. Бироқ афсуски, реал воқеликдан келиб чиққан ушбу оқилона таклиф ўз вақтида амалга оширилмади. Бу эса яна бир қанча қонли фожиаларнинг содир этилишига олиб келди.

11 сентябр куни АҚШда содир этилган қонли ва ваҳшиёна фожиа олти мингдан ортиқ бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди ва жаҳон тарихига мисли кўрилмаган жирканч жиноят сифатида муҳрланди. Терроризм навбатдаги бу мудҳиш қилмиши билан бутун инсониятга қарши кечириб бўлмайдиган ёвузлик манбаига айланганини амалда исботлаб берди.

АҚШ ташаббуси билан терроризм ўчоғини йўқотиш мақсадида халқаро миқёсда ташкил этилаётган коалиция тарихий зарурат туфайли вужудга келмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди. Тараққийпарвар инсоният томонидан хайрихоҳлик билан қарши олинган мазкур иттифоққа давлатимизнинг қўшилиши халқимиз тинчлиги, миллий манфаатимиз ва юрт келажагини ўйлаб қўйилган дадил ҳамда жасоратли қадам бўлди.

Қўрқоқ олдин мушт кўтарар, деганларидек, Афғонистонда ўрнашиб олган террорчилар ва уларнинг ҳомийси бўлган жаҳоннинг энг ашаддий террорчиси Усама бин Ладен ва "Ал Қоида" ташкилоти вакиллари ҳаводан берилаётган қақшатқич зарбалардан саросимага тушган ҳолда, АҚШ билан бир сафда туриб, терроризмга қарши курашишга бел боғлаган давлатларга қарши пўписа қилмоқда.

Терроризмнинг нопок муддаоси қон тўкиш, ер юзида фитна ва фасод тарқатиш, цивилизация йўлига тўсиқ қўйиш, тинчлик ва барқарорликка путур етказишдир. Ислом ҳуқуқида эса фитна-фасод тарқатиш, инсонларни ўлдириш ва одамларнинг тинчлигини бузиш энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Қуръони каримда бир бегуноҳ одамни ўлдириш барча инсонларни ўлдириш билан тенгдир, деб таъкидланган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ташкил этилган "Мингйиллик саммити"да Президентимиз Ислом Каримов **"Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга - коридорларга айланмоқда. Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси - халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин"**, - дея таъкидлаган эди. Бир-бири билан боғланиб кетган мана шу икки офат бугунги кунда ер юзидаги ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг ҳаётига, келажагига жиддий хавф-хатар солмоқда. Бундай қабоҳат ўчоқларининг бизга ён қўшни бўлган Афғонистон заминида қарор топиши эса янада ташвишланарлидир.

Бугун Афғонистонда ҳукм сураётган вазият кўпчиликка кундай равшан. Мамлакат мислсиз бўҳрон ва инқирозга юз тутган, йигирма йилдан ортиқ вақт узлуксиз давом этаётган шафқатсиз уруш ҳаммаёқни вайрон қилиб ташлаган, одамлар осойиши ва тинчини йўқотган. Жиноят содир этиб, дорнинг тагидан қочиб келганлар шу ерда ин қуриб олган. Энг даҳшатлиси, уларнинг эмин-эркин жиноий фаолиятини яна давом эттириш, ҳатто янада кенгайтириши ва шакллантириши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти "Толибон"нинг бу хатти-ҳаракатига салбий муносабатини очиқ айтмоқда.

Ер юзидаги бошқа мусулмон мамлакатлари ҳам ислом дини ниқоби остида содир этилаётган қабоҳатнинг мўътабар динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини таъкидлаб, халқаро терроризмга қарши курашда якдил эканликларини билдиришмоқда.

Чунки халқаро террорчилик бугунги кунга келиб ер юзидаги умумий тинчлик ва осойишталикка, барқарорликка, тараққиётга очиқчасига таҳдид солаётир. Шундай бўлгач, унга қарши курашдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг томири билан суғуриб ташлаш барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак. Бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт.**

Қўшнинг тинч - сен тинч деган ҳикмат халқимизнинг доимий шиоридир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон истиқлолининг биринчи кунларидан тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик йўлини танлади. Мамлакатимиздаги улкан қурилишлар, беқиёс ўзгаришлар тинчлик ва осойишталик неъмати эканини етти ёшдан етмиш ёшгача яхши билади. Шу боис тинчликни ер юзидаги энг улуғ неъмат, дея қадрлайди. Ўз тинчлигини кўз қорачиғидек асраган, келажагини тинчликда, осойишталикда, бунёдкорликда кўрган халқ эса табиийки, уруш билан ҳам, террорчилик, вайронкорлик билан ҳам ҳеч вақт муроса қила олмайди.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ инсониятни, бутун дунё мамлакатларини халқаро терроризм хавфидан огоҳ қилиб келди. Дунё миқёсида рўй бераётган кейинги воқеалар Президентимиз даъватлари нечоғлик ҳаётий эканлигини исботлади.

Қўрқитиш, ҳар хил фитналар уюштириш орқали жиноятчиларнинг муқаддас динимиз номидан гапиришга мутлақо ҳаққи йўқ.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда фуқароларнинг қайси динга эътиқод қилиш ёки қилмаслиги конституциявий ҳуқуқ билан кафолатланган. Бу фикрнинг исботини Ўзбекистон фуқароларининг яшаш тарзида яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан жами 2028 та диний ташкилотлар расман рўйхатга олинган. Шулардан 1848 таси ислом динига мансуб масжид ва ўқув юртлари бўлса, 163 таси христиан, 17 таси эса бошқа динларга мансуб диний ташкилотлардир.

Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, яҳудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар сингари қатор диний жамоалар эмин-эркин фаолият юритиб келмоқда.

Яна қиёслаш учун шуни айтиш лозимки, мустақилликка эришганимизга қадар юртимизда фақатгина 80 та масжид фаолият кўрсатган бўлиб, улар ҳам коммунистик атеизм таъсири остида эди. Мусулмонларнинг масжидга қатнаши кўп ҳолларда таъқиб остига олинар эди. Фақат шу сабабли кўпчилик, айниқса, давлат хизматчиларининг ўз яқинларининг диний маросимларида иштирок этишгани учун қатағон этилганлиги, ишдан четлаштирилгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлган мамлакатимиз қонунларида диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, аҳлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузиш, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида ваҳима чиқариш ҳамда давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар ва секталар фаолияти таъқиқланади.

Ушбу ҳуқуқий нормаларга барча тараққий этган мамлакатларда амал қилинади ва бу нормалар халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган Декларациянинг 1-моддаси 3-бандига асосан динга эътиқод қилиш эркинлиги қонунлар билан белгиланган ҳамда жамоат тартибини ва хавфсизлигини, шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, соғлиқ ва аҳлоқини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳолларда чекланади.

Демак, бу халқаро нормаларга асосан миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувлар қаттиқ қораланади, турли дин ва миллатдаги одамларнинг ўзаро биродар, аҳил ва тинч-тотув ҳаёт кечиришга, барча диндорлар миллий тотувликда яшашга даъват этилади.

Юртбошимиз яқинда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида айтганларидек, **халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда бизнинг терроризмга қарши қаратилган эзгу даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши лозим. Бинобарин, тинчлик ва осойишталик барчамизга, ҳар биримизга бевосита дахлдор бўлган ҳаётий зарурат, уни барқарор этиш учун кураш эса озод Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг матбуот хизмати**

# Тинчлик — дунёда энг улуғ неъмат!





"Қайноқ нуқталар" деган атаманинг истеъмолга кирганига ва дунёнинг турли хил урушлар, можаролар авж олган ҳудудларига нисбатан мунтазам равишда қўлланиб келинаётганига кўп вақтлар бўлди.

Икки ҳафтадан буён кўҳна Афғонистон тупроғи ер юзидаги энг "қайноқ нуқта"га айланди. Осмонида АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий ўчоқлари тинимсиз парвоз этаётгани, халқаро террорчиларнинг қароргоҳлари узра бомбалар ёғдираётгани, Форс кўрфазида лангар ташлаган кемалардан учирилган энг замонавий ракеталар қўпорувчилар ва уларнинг йўлбошчилари паноҳ топган шаҳарларнинг, тоғ-тошларнинг тупроғини кўкка совураётгани туфайлигина бу юртга нисбатан шу сифат қўлланилаётгани йўқ. Балки бу — ер юзидаги катта-кичик барча мамлакатларнинг бутун диққат-эътибори ушбу минтақага қаратилгани, бугунги ва келгуси тақдири ҳаммани баравар ташвишга солаётгани билан ҳам изоҳланади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, гарчи, 100 дан ортиқ давлат халқаро терроризмга қарши курашда АҚШ билан ҳамжиҳат эканлигини қатъиян изҳор этган, 40 дан ортиқ мамлакатлар эса ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этиш ва қўлидан келган ёрдамини беришга шай турган бўлса-да, уларнинг катта қисми жуғрофик жиҳатдан афғон заминидан анча узоқда жойлашган. Уларнинг кўпчилиги айнан инсон қиёфасидаги газандаларнинг уяси яксон этилиши, уларнинг молиявий ва ғоявий илдизи қирқилишидан, таҳдиди йўқолишидангина манфаатдор.

Халқимиз Афғонистон фуқаролари билан неча минг йиллардан бери бир дарёнинг сувини ичиб келади. Заминимизга баҳор нафаси афғон тупроғи оша келади. Бу диёр билан ёзимиз ҳам, қишимиз ва кузимиз ҳам битта. Битта ёққан ёмғир ҳам, қор ҳам икки томонга баравар тушади. Олис тарихнинг мулкига айланган давронларда, ҳатто тақдирларимиз ҳам бир-бирига боғланган эди. Айниқса, темурийлар салтанати даврида мустаҳкамланган қон-қариндошлик, жондошлик ришталари яқин-яқингача узилмасдан келди. Кўплаб улуғ аждодларимизнинг, хусусан, Алишер Навоий ҳазратларининг, шоҳлик билан баробар шоирлик ва олимлик сифатлари юксак бўлган темурий шаҳзодлар, уларнинг ҳомийлигида фан ва маданиятнинг юксалишига хизмат қилган ўзбек заминининг фарзандлари бўлмиш олим-у уломоларнинг хоки ҳам ўша тупроққа қўшилиб кетгани ҳам бу юртга нисбатан меҳр ва ҳурмат кўзи билан қараш мажбуриятини зиммамизга юклайди. Қолаверса, афғон элининг тили тилимизга яқин, дини динимизга, урф-одатлари расм-русумларимизга ўхшайди.

Афсуски, шўро тузуми бу мамлакат билан орамизга икки бор рахна солди. Биринчи марта ўтган асрнинг йигирманчи йилларида ўртамизга тиканли симлар тортган бўлса, иккинчи марта саксонинчи йиллар поёнида шўро қўшинини байналмилалчилар либосида афғон тупроғига киритиб, орамизга совуқлик солди, муносабатларимизни чалкаштирди.

Аммо ўзаро меҳр-оқибатни, тотувликни нон-туз қадар қадрлаган халқимиз, ён қўшни — жон қўшни, деган улуғ мақолни яратибгина қолмасдан, ҳар доим унга амал қилиб келган. Шунинг учун ҳам миллий мустақиллигимизга эришиб, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритгач, Афғонистон билан яхши қўшничилик муносабатларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Бироқ йигирма йиллар муқаддам сиёсий иқлимда юз берган бўронлар, урушлар гирдобига мамлакат аҳли шўро қўшини чиқиб кетгандан сўнг ҳам ўзининг йўлини топа олмади, боши ўзаро низолар, жангу жадалдан чиқмай қолди. Тинчликдан эмас, қон тўкишдан манфаат топадиган диний ақидапарастлик ниқобини кийган ёвуз кучлар халқи пароканда этилган, сиёсий бошбошдоқликлар авж олган бу заминни эгаллаб олиб, далаларини кўкноризорга, обод масканларини миллий ва диний қиёфасини унутиб, йиртқич қиёфасига кирган кимсалардан одамкуш жангарилар тайёрлайдиган маконга айлантирди.

Улар давлатни бутун дунё интилаётган тараққиёт уфқлари сари эмас, аксинча, минг йиллар орқага — ўрта аср қолоқлиги комига етаклашга интилди. Натижада Афғонистоннинг ҳам, халқининг ҳам йўли қирқиб ташланди, давлат сифатидаги ҳуқуқидан маҳрум этди, миллий ўзлигидан айирди, халқаро ҳамжамиятдан ажратиб олиб, қўрқув ва таҳдиднинг шарпаси соя солган, мудом қон ва қабоҳат ҳиди анқиб турадиган минтақага айлантирди.

Шу ўринда бир фикрни айтиш лозимки, юртдошларимиз Афғонистоннинг аччиқ ва фожиали тақдирини кўриб, икки бор муҳим сабоқ олди.

**Биринчи сабоқ** шуки, биз миллий ҳамжиҳатликка, тотувликка таянмаган, халқи ва Ватанининг тақдирини ўз тақдири билан битта, деб биладиган, бутун кучи ва ҳаётини элининг бахти-саодати, фаровонлиги ва ёрқин келажаги йўлига бахш этадиган йўлбошчига эга бўлмаган, унинг атрофига бирлашмаган мамлакатда Мустақилликнинг уч пуллик қадри топмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Чунки бундай юрт зоҳиран мустақил бўлса-да, аслида турли хил бир-бирига зид ғоя ва мақсадларнинг қулига айланар, халқигаададсиз азоб-уқубатлар келтирар экан.

## Огоҳлик

**Иккинчи сабоқ** шуки, соғлом мулоҳазадан йироқ, диний мутаассиблик туйғусидан заҳарланган, дунёга ҳукмронлик қилишга шайланган, бу йўлда ҳар қандай усулни мақбул йўл деб билган ҳокимиятпарастлар тепасига чиққан юрт билан дўстона алоқаларни тиклаш йўлида қилинган олижаноб ҳаракатлар бесамара қолаверар, "итни қопмайди, илонни чақмайди", деб бўлмаганидек, бундай кимсалар яхши ният билан узатилган қўлни тишлашга, заҳарли тиғини санчишга интилаверар экан.

Шунинг оқибатида бир неча йиллар давомида қанча азият чекканимиз, қурбонлар берганимиз, моддий зарар кўрганимиз Юртбошимизнинг яқиндагина эълон қилинган Баёнотида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири саволларига берган жавобларида батафсил баён этилди.

Энг аввало, шуни айтиш кераки, Афғонистоннинг асосий ҳудудларини эгаллаган қабоҳат ва разолат масканларининг тўла-тўкис яксон этилиши, фақат жаҳондаги аксилтеррористик кучларнинг ғалабаси бўлибгина қолмасдан, афғон халқининг ҳам ютуғи бўлади. Бу юртнинг жаҳон ҳамжамиятининг , тенг ҳуқуқли аъзосига айланишига кенг йўл очилади, уруш вайрон этган иқтисодиётни тиклаш, "кўч-кўч", "қоч-қоч"ларда боридан айрилган элнинг маданий савиясини кўтариш учун қулай иқлим юзага келади, бунинг ҳаммаси шу диёр фуқароларининг манфаатига, бахтига ва келажагига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу ўринда Юртбошимизнинг 1999 йил 19 июлда Афғонистон муаммоларини ҳал этишга бағишланган халқаро "6+2" гуруҳининг Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқидаги ушбу сўзларни яна бир бор эсга олиш жоиз: **"Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Қобулда миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаймиз."**

Дарҳақиқат, қўшни мамлакатда тинчлик ва осойишталик, соғлом сиёсий-ижтимоий муҳит қарор топиши, бевосита бўлмасада, билвосита чегарадош мамлакатларнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳам миллий манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз. Тўғрисини айтганда, бизни қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ҳам ўз-ўзидан ечимини топади.

**Биринчидан,** Амударёнинг нарги соҳилига қараб, инсон қонини ялаб, бирордарлашган кучлар яна қандай ўйинлар кўрсатар экан, тоғларимиз оша кимларни жўнатар экан, деган хавотирдан бутунлай қутуламиз.

**Иккинчидан,** бир пайтлар Ватанимиз тупроғидан жиноятчи сифатида қочиб қолган ва террористик марказларида паноҳ топган, уларнинг моддий мададига таяниб, юртимиз сарҳадларига таҳдид солишга уринаётган кўрнамаклар ҳам ўзларининг молиявий ва маънавий раҳнамолари билан биргаликда қонуний жазосини олади.

**Учинчидан,** ўша юртбузуқиларнинг қутқусига учиб, ўзларининг "Ҳизбут-таҳрир" аталмиш Ислом динининг муқаддас арконларига алоқаси йўқ, аммо динфурушликни касб қилган фирқа ғояларига эргашишган, ҳали- ҳамон ёшларимизнинг онгини заҳарлашга уринаётган нодон кимсаларнинг қаноти ҳам, илдизи ҳам қирқилади.

**Тўртинчидан,** жанубий сарҳадларимиз хавф-хатардан халос бўлади. Бу эса мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида сарфланаётган маблағларни бир мунча қисқартириш, бу сармояни юртимизнинг ободлиги ва равнақи, халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, ислоҳотларимизнинг самарадорлигини ошириш йўлида сарфлаш имконини беради.

**Бешинчидан,** бузғунчилар ва уларнинг ҳомийларининг ер билан яксон этилиши қишлоқларимиз ва шаҳарларимизда доимий тинчлик бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро терроризм илдиз-илдизи билан янчиб ташланса, дунё халқлари, шу жумладан, буюк келажагини яратиш иштиёқида бунёдкорлик билан шуғулланаётган ўзбек халқи ҳам энг бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикка эришади. Тинчлик ва осойишталик эса чинаккам озодликнинг ҳам, барқарор тараққиётнинг ҳам, нурли истиқболнинг ҳам асосий пойдеворидир.

**Бахтиёр РИЗО**




**Москвада ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг "Евроосиё" телефоруми" тўртинчи телевизион фестивалида Президентимиз Ислом Каримов махсус мукофот билан тақдирланди.**

* * *

АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистондаги террор ўчоқларига қарата янги амалиётларни давом эттирмоқда. Пентагон мулозимлари берган маълумотга кўра, америкалик ҳарбийларнинг кичик гуруҳи Афғонистоннинг жанубий ҳудудига туширилган.

* * *

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан "Фойдали қазилма конларини ўзлаштиришнинг долзарб муаммолари" мавзуида халқаро илмий-техник конференция бошланди.**

* * *

Наманган туманидаги "Ғайрат" ширкат хўжалиги бошқаруви Германиянинг "Всесер Энс" компанияси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади.

* * *

**Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Берлин-Бранденбург Фанлар Академияси олимлари билан ҳамкорликда "Зардуштийликнинг нодир китоби "Авесто" 2700 ёшда" мавзуида симпозиум бўлиб ўтди.**

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Юртбошимизнинг халқаро терроризмга қарши кураш жараёнига билдирган фикр ва даъватларида қалам аҳли олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан атоқли шоир ва ёзувчилар, мунаққидлар, мутаржимлар томонидан бу борада Президентимиз Ислом Каримов баён этган мамлакатимиз ҳукумати позицияси қўллаб-қувватланди.

## XXI аср: воқеалар, ҳодисалар, хабарлар

### Замбия Президентини ўмаришди

Замбия Президентининг 16 ойилик маошини ўғрилар ўмариб кетишди. Мамлакат ҳукумати ўтган ҳафта Президент Фредерик Чилубанинг маоши ўғирлаганликда айбдор деб гумон этилаётган уч киши қўлга олинганини хабар қилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, қароқчилар Президент Чилубанинг Замбия банкида сақланаётган маош пулларини яширинча бошқа ҳисоб-рақамига ўтказиб, кейин нақдга айлантиришган-у чўнтакка урган. "Эхо Москва" радиосининг хабар беришича, Замбия Президентининг 16 ойлик маошини ташкил қиладиган 82 миллион квача (21,578 доллар) миқдоридаги пули ўғирланган.

### Бош вазирнинг ўғли бўш келмади

Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг ўғли, 17 ёшли Иан Блэр бир нечта ўртоқлари билан шанба кунги ўйин-кулги кечасидан ярим тунда уйига қайтаётганда уларни кутилмаганда қора танли ўспиринлар ўраб олишади. Қуролли "қароқчилар" Ианнинг компакт дискли ихчам плейрини тортиб олишга уриниб, пул ҳам талаб қилади. Бироқ бош вазирнинг ўғли ва унинг ўртоқлари қуёнюрак улфатлар эмас эди. "Ўғригина" болалар қаршилик кўрсатилишини кутмаган шекилли, яхшигина калтак егач, орқа-олдига қарамасдан жуфтакни ростлаб қолишди. Жабрдийдалар дарҳол полицияга хабар беришди, полиция ўз навбатида бош вазирни ушбу воқеадан воқиф этди.

Синчковлик билан олиб борилган қидирув ишларидан маълум бўлдики, "қароқчилар тўдаси" Лондоннинг ўша кўчасида анчадан бери "ов" қилар экан.

### Ригалик "темурчилар" полицияга ёрдам бермоқда

Латвия пойтахти Ригада Аркадий Гайдарнинг "Тимур ва унинг командаси" асаридаги болаларни эслатувчи "аксилжиноятчи" ёшлар гуруҳи пайдо бўлди.

Ҳаммаси Рига шаҳридаги мактаб ўқувчиларидан биттасига бир гуруҳ зўравонлар кўчада тегажоқлик қилганидан сўнг бошланди. Жабрдийда қизалоқ ўз дўстларига мурожаат қилгач, улар нимжонроқ дўстларини ҳимоя қилиш мақсадида бирлашдилар. Эндиликда шаҳар кўчалари бўйлаб ҳар куни 40 нафар "тимурчи" мунтазам рейд ўтказиб, мустақил равишда гиёҳвандлик, ўғрилик ва талончилик билан шуғулланувчиларни ушлаб, полицияга топширмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шаҳарда тартиб ўрнатувчилар бу ишга киришишдан олдин икки ой мобайнида ҳуқуқ-тартибот ва экстремал ҳолатларда қандай иш тутиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишди, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қўл жанги ва бошқа зарур чораларни ўргандилар. Ҳозирда Рига полицияси ҳам эҳтиёж туғилганда, "ёш тимурчилар"га мурожаат қилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

